

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

“ТАСДИКЛАЙМАН”

Ғ.Рахимов

2018 йил “27”

“КЕЛИНИЛДИ”

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

2018 йил “18”

Рўйхатга олинди: № МД – 1.03

2018 йил “18” 08

АМАЛИЙ ХОРИЖИЙ ТИЛ

ФАН ДАСТУРИ

Барча мутахассисликлар учун

Тошкент – 2018

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг 2018 йил “18” августдаги 4-сонли баённомаси билан маъқулланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил “25” августдаги 744-сонли буйруғи билан маъқулланган фан дастурларини таянч олий таълим муассасаси томонидан тасдиқлашга розилик берилган.

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида ишлаб чиқилди.

**Тузувчи:**

Хожиев С.К. – ЎзДЖТУ, “Француз тили назарияси ва амалиёт” кафедраси доценти, филология фанлари номзоди.

**Такризчилар:**

Ўрмонова Н.М – ЎзМУ, “Француз филологияси” кафедраси доценти, филология фанлари номзоди

Яқубов Ж.А. – ЎзДЖТУ, “Француз тили назарияси ва амалиёти” кафедраси профессори, филология фанлари доктори

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2018 йил “27” июндаги “6” - сонли баённома).

## I. Ўқув фанининг долзарблиги ва олий касбий таълимдаги ўрни

Ушбу фан доирасида магистратура босқичи талабаларининг амалий хорижий тил бўйича оғзаки ва ёзма нутқларини янада ривожлантириш, улардан келгуси илмий ва касбий фаолиятларида самарали фойдаланишларини таъминлаш назарда тутилади. “Амалий хорижий тил” фани магистратура босқичи ўқув режасининг “Умумметодологик фанлар” блокига киритилган бўлиб, биринчи курсларда ўқитилиши мақсадга мувофиқ.

## II. Ўқув фанининг мақсади ва вазифаси

Фанни ўқитишдан мақсад – ўрганилаётган амалий хорижий тил бўйича амалий коммуникатив компетенцияни шакллантириш, шунингдек магистрантларнинг ўрганилаётган амалий чет тиллардан бирида раво ва аниқ сўзлашишларига ва ҳозирги пайтда дунёда содир бўлаётган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий воқеликка ўз муносабатларини билдира олишларини ҳамда мустақил фикрлаш, изланиш, билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришдан иборат.

Фаннинг вазифаси:

- магистрантларга ўрганилаётган амалий чет тилидан она тилига ёзма ва оғзаки таржима масалалари, лексик, грамматик ва стилистик сатҳларидаги ўхшаш ва тафовутли жиҳатлари, ўзига хос хусусиятлари тўғрисида маълумотлар бериш;
- магистрантларнинг матни лексик, семантик ва стилистик таҳлил қилиш кўникмаларини ривожлантириш;
- маълумотни турли контекстларда таҳлил қилиш орқали унинг маъносини қайта ифода этиш усулларини ўргатиш;
- магистрантларни турли вазиятларда ўрганилаётган амалий хорижий тилда раво мулоқат қилишга ўргатишдан иборат.

Фан бўйича магистрантларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйидаги талаблар қўйилади. **Талаба:**

- кенг қўламли нутқ ёки қатор мураккаб фикрлар баёнини;
- маъруза, нутқ, баёнот, тафсилотли йўриқномалар, илмий ва ихтисослик тақдимотлар, сўров ва фикрларнинг моҳиятини;
- эълон ва хабарларни;
- таниш ва нотаниш контекстдаги мураккаб аутентик нутқни;
- ўрганилаётган тил эгаси бўлган сўзлашувчиларнинг суҳбат ёки мунозарасининг аксарият қисмини;
- радио, интернет ва телевидение дастурлари, интервьюларнинг аксарият қисмини **тушуна олиши;**
- ўрганилаётган тилда сўзлашувчилар билан мулоқотга киришиш;
- олдиндан тайёргарлик кўрилмаган жонли муҳокама ва мунозара юритиш;
- ўз соҳаларига оид интервьюда иштирок эта олиш;

- битимга келишув ёки муаммо ечимини топишда расмийлик ва хушмуомалаликдан фойдаланиш;
- расмий муҳокама доирасида ўз фикр ва мулоҳазаларини аниқ ифодалаши;
- ўз ҳамкорлари билан музокара юритиши;
- маълум масала юзасидан маданий тартибга амал қилиб маълумот сўраши;
- муҳокамаларда ўз фикрларини асослаш, ўзгартириб талқин эта олиши ва тузатиши;
- расмий доираларда (масалан, семинар ва ҳоказолар) хос равишда савол-жавобга киришиш **кўникмаларига эга бўлиши**;
- маълум мавзу бўйича яхши тақдимот қилиш;
- ўз соҳаси бўйича маълумотларни аниқ ва батафсил баён этиш;
- маълум мавзу бўйича оғзаки маъруза қилиш;
- мақола, маъруза ёки муҳокама юзасидан аниқ умумлашган хулоса қилиш;
- таниш мавзуга оид қараш ёки фикрни ривожлантириш, далиллар, мисоллар келтириш орқали **асослай олиши**;
- таниш ва нотаниш мавзулардаги матнларнинг асосий/айрим жиҳатларини;
- ўз соҳалари ва қизиқишларига мос ёзишмаларни;
- жадвал, графикларнинг қисқа изоҳини;
- мураккаб номаларни;
- махсус ва мураккаб ёзма йўриқнома ва йўналишларни;
- тезислар, маъруза матнлари, конференция дастурлари, мундарижа ва шу каби матнларни;
- касбий соҳаларига оид мақола ва маърузалардан тегишли маълумотни **ажрата олиш малакаларига эга бўлиши лозим**.

### **III. АСОСИЙ ҚИСМ (амалий машғулотлар)**

Магистратура мутахассисликлари битирувчилари ўқув курси ниҳоясида ўрганган хорижий тил бўйича (CEFR) B2 даражани эгаллашлари кўзда тутилади. Ушбу даражага эришиш учун қуйидаги компетенциялар интеграллашган ҳолда ўқитилади:

#### ***Тинглаб тушуниш компетенцияси:***

- Ўрганилаётган амалий хорижий тилнинг ривожини ва тил доирасидаги асосий экстралингвистик шаклланишнинг факторлари ҳамда тарихий манбалари, унинг диалектик хилма-хиллигини тушуниш;
- ўрганилаётган амалий хорижий тилидаги эълон ва хабарларни тушуна олиш;
- маъруза нутқ, баёнот, илмий ва ихтисослик тақдимотлар, сўров ва фикрларнинг моҳиятини тушуна олиш;
- мавзу яхши таниш бўлганда ва ахборот йўналиши ўрнига мос маркерлар кўрсатилаётган ҳолатда давомли маъруза ёки далилларнинг мураккаб тизимини кузата олиш;
- радио, интернет ва телевидение дастурлари, интервьюларнинг аксарият қисмини тушуна олиш.

### ***Ўқиш компетенцияси:***

- ўз мутахассислик соҳаларига оид ёки оид бўлмаган кенг кўламли бирмунча узун ва мураккаб матнларнинг услубий жиҳатлари, очиқ ойдин ёки бирмунча яширин баён этилган фикрларни тушуна олиши;
- кичик деталларнинг ҳам муҳим жиҳатлари, қарашлар, очиқ ойдин ёки бирмунча яширин баён этилган фикрларни аниқлай олиши;
- ўз мутахассислик соҳаларига оид вебсайт ёки журналлардан тегишли тафсилотларни ўқиб тушуна олиши;

### ***Ёзиш компетенцияси:***

- стилистик хусусиятлар, меъёрий грамматика асосларини билиши;
- махсус номалар, бизнес хатлар, электрон хатлар ёза олиши;
- ўрганилаётган тилда яхши тузилган иншо ва маърузалар ёза олиши;
- таклифлар, хулосалар ва тезислар ёза олиши;

### ***Гапириш компетенцияси:***

- ўрганилаётган тилда сўзлашувчилар билан мулоқотга кириша олиши (зарур бўлганда бошқара олиш);
- ўз соҳаларига оид интервьюда қатнаша олиш;
- расмий доираларда (масалан семинар ва ҳ.к.лар)хос равишда савол-жавобда иштирок эта олиши;
- маълум мавзу бўйича тақдимот қила олиш каби билим, кўникма ва малакаларига эга бўлишлари талаб этилади.

### ***Коммуникатив компетенция:***

- мос коммуникатив вазиятда дискурс танлай олиш;
- юзага келган муаммонинг моҳиятини тушунтира олиш ва миқозга зарурият туғилганда розилик борасидаги хизматни тақдим қилувчи шахсга тушунтира билиш;
- тил шаклларини танлай билиш ва уларни нутқ мазмуни бўйича коммуникатив вазиятлар доирасида касбий матнга мувофиқ тарзда қўллаш ва ўзгартира олиш;
- тил эгаларида ҳайратланиш ёки аччиқланишни уйғотмайдиган, улар учун табиий, одатий саналган муомалада мулоқот қила олишни билишлари лозим.

### ***Лингвомамлакатшунослик компетенцияси:***

- нутқ мазмуни бўйича касбий коммуникатив вазиятлар доирасида эквивалентсиз касбий сўзларни билиш ва уларни матнларда (жумладан, маълумотномалардан фойдаланган ҳолда) тушуниш;
- тили ўрганилаётган мамлакатдаги касбий фаолиятнинг объектини англаувчи сўзларни билиш;
- тили ўрганилаётган мамлакатда қабул қилинган касбий мулоқот меъёрларига мувофиқ тарзда нутқий муомалани ва одоб (этикет)

колипларини қўллай билиш.

- инсонларга нисбатан ҳурмат, бошқа маданиятга толерантликни сақлаган ҳолда жамиятда қабул қилинган одоб-ахлоқ ва ҳуқуқий меъёрлар асосида ижтимоий ҳамкорликни, шерикчилик, ишончли муносабатларни қўллаб-қувватлашда жавобгарликка тайёр эканлигини намоён эта олишлари зарур.

### **Амалий хорижий тилнинг фонетика ва грамматика қисмлари бўйича умумий маълумот**

Ўрганилаётган тилнинг товуш тизими урғу, интонация, ритмик гуруҳ, сўзларнинг боғланиши ва морфологик тузилиши, сўз туркумлари: от, сифат, сон, феъл, равиш, ёрдамчи сўзлар, артиклар, предлоглар, равишдош, сифатдош феълларнинг актив ва пассив формалари, модал феъллар, конъюнктив 1, конъюнктив 2, инфинитив ва инфинитивли конструкциялар модал сўзлар, модал юкламалар, феъл замонлари, мураккаб тўлдирувчи, отларнинг кўплик формаси, сифатларда роднинг ифодаланиши, гап бўлаклари ва уларнинг умумий таснифи, замонларнинг мослашуви кўчирма ва ўзлаштира гап.

### **Амалий хорижий тилнинг синтаксис қисми бўйича умумий маълумот**

Гап, содда гап, бир бўлакли гаплар, икки бўлакли гаплар. Кўшма гаплар. Аниқловчи эргашган, эга эргашган, мақсад эргашган, тўлдирувчи эргашган, ҳол эргашган, равиш эргашган, натижа эргашган, сабаб эргашган, шарт эргашган, тўсиқсиз эргаш гаплар, актив ва пассив форма, пассив форманинг альтернативалари.

### **Амалий хорижий тилнинг лексика қисми бўйича умумий маълумот**

Мутахассисликка оид термин ва тушунчалар. Аббревиатура, акроним ва топонимлар. Идиомалар, фразеологик бирликлар. Кўп маъноли сўзлар, сўз бирикмалари, эркин бирикмалар, феълли турғун бирикмалар. Ўзлашган сўзлар. Клишелар. Луғатлар ва уларнинг таркиби. Тиллардаги реалиялар, муқобилсиз лексикалар.

### **Амалий машғулотлар бўйича кўрсатма ва тавсиялар**

Амалий машғулотларда магистрантлар ўрганган амалий хорижий тилларида жонли мулоқот қилишни ва касбига оид мавзуларни чет тилидан она тилига, она тилидан чет тилига тўғридан-тўғри таржима қилишни ўрганади.

“Амалий хорижий тил” фани ўз хусусиятига кўра ижтимоий ҳаёт билан бевосита ва билвосита боғлиқ ҳолда жамиятнинг турли соҳаларида учрайдиган воқеаларга оид мавзуларни қамраб олади. Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича коммуникатив компетенцияни ривожлантириш учун қуйидаги мавзулар тавсия этилади:

1. Келажакдаги мутахассис касбий фаолияти.

2. Ўзи эгаллаётган соҳа бўйича республикамизда эришилган ютуқлар, соҳа тараққиёти бўйича истиқбол режалар.
3. Ўзи эгаллаётган соҳа бўйича хорижий мамлакатларда эришилган ютуқлар, соҳа тараққиёти бўйича истиқбол режалар.
4. Даврнинг энг долзарб муаммолари ва уларнинг ечими.
5. Глобаллашув ва интеграция (турли мамлакатлар иқтисодий ҳаётининг ягона иқтисодий сиёсат асосида ўзаро боғланган ҳолда ривожланиш шакли).
6. Терроризм, одам савдоси, гиёҳвандлик, ишсизлик каби иллатларга қарши кураш.
7. Халқаро иқтисодий инқироз.
8. Экология ва саломатлик.
9. Халқаро ҳамкорлик.
10. Касбий фаолият
11. Давлатлараро ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий муносабатлар.
12. Халқаро туризм ва уни ривожлантириш концепцияси.

Амалий машғулотларда магистратура талабаси эгаллаётган мутахассислиги бўйича ўз давлати ва тили ўрганилаётган мамлакат таълим тизими, унинг ютуқ ва камчиликларини ўрганиши, таҳлил қилиши, мутахассисликка оид лингвистик атамалар билан ишлаши, эгаллаётган соҳаси бўйича хорижий тиллардаги интернет ресурсларидан самарали фойдаланиши назарда тутилади. Магистрантлар ўрганилаётган чет тили бўйича билим ва кўникмаларини жонли мулоқот, машқлар бажариш, иншо ва баёнлар ёзиш, машқларни таржима қилиш орқали янада бойитадилар. Шунингдек дарслик ва ўқув қўлланмалар, аудио ва видео материаллар асосида билимларини мустақамлаш, таржима материалларидан фойдаланиш, ўтилган мавзулар юзасидан диалог қилиш ва шу кабилар орқали магистрантлар билимини ошириш тавсия этилади.

#### **IV. Мустақил таълим ва мустақил ишлар**

Мустақил таълим мавзулари соҳалар хусусиятини инобатга олган ҳолда кафедра мутахассислари томонидан белгиланади. Мавзулар талабани мустақил билим олишга онгли равишда йўналтириши лозим.

Вазифалар устида ишлаш жараёнида:

- ✓ вазифаларни аниқлаш ва персонализация қилиш;
- ✓ кутубхоналардан унумли фойдаланиш;
- ✓ интернетдан мақсадли ва самарали фойдаланиш;
- ✓ плагиат (кўчирмакашлик) га йўл қўймаслик;
- ✓ хотирани яхшилаш;
- ✓ имтиҳон ва тестга тайёргарлик кўриш;
- ✓ таълим кўникмаларини босқичма-босқич эгаллаб бориш;
- ✓ амалий вазифаларни бажариш;
- ✓ мустақил ўқиш;
- ✓ долзарб мавзулар муҳокамаси;
- ✓ матнлар /мақолалар/видео материалларни танқидий муҳокама

- қилиш;  
✓ талаба портфолиосига алоҳида аҳамият берилади.

## **VI. Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбалари<sup>1</sup> Асосий адабиётлар**

### **Инглиз тили**

1. David Bolke, Dorothy E. Zemach, Skillful 1 (Reading&Writing), Macmillan, 2013.
2. Louis Rogers&Jennifer Wilkin, Dorothy E. Zemach, Skillful 2 (Reading&Writing), Macmillan, 2013.
3. Malcolm M., Steve Taylore-Knowles, Destination (book 3&4), Macmillan Education UK, 2013
4. Mike Boyle, Ellen kisslinger, Skillful Listening & Speaking (Full set), Macmillan Education UK, 2013

### **Немис тили**

1. А.Б. Абдуллаева, D.R. Mirsodiqova und andere. Deutsch 2. –Тошкент, 2009.
2. Ilse Sander, Birgit Braun, Margir Doubek u.a. DaF kompakt A1-B1 Kursbuch mit 3 Audio –CDs .Ernst Klett Sprachen. Stuttgart, 2011.
3. Birgit Braun, Margir Doubek, Andrea Frater -Vogel u.a. DaF kompakt A1-B1 Übungsbuch mit 3 Audio –CDs .Ernst Klett Sprachen. Stuttgart, 2011.
4. DaF kompakt A1-B1 Grammatik. Deutsch als Fremdsprache für Erwachsene. Ernst Klett Sprachen. Stuttgart, 2012
5. С.Саидов. Deutsche Grammatik in Übungen. – Тошкент, 2003.
6. С.А. Зияева, С.Д. Новикова, Die Übersetzung in die Muttersprache und ins Deutsche. Т.; 2010.
7. Завьялова В.М., Ильина Л.В. Практический курс немецкого языка. М. 2003.

### **Француз тили**

1. A. Volte. Belle ville “Methode de français”. Cahiers d’exercices. –Belgique, 2004.
2. М.Н. Попова, Ж.А. Казакова, Г.М. Ковальчук. Француз язык. – М.; 2007.
3. Ph.Dominique. Le nouveau sans frontières. Paris, 1998
4. O.V. Saxno, R.S. Ibragimova. La vie de l’Ouzbekistan et de la France. – Т.; 2002.

### **Қўшимча адабиётлар**

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Тошкент, “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 29 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 47 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 485 б.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”

<sup>1</sup> Адабиётлар рўйхатига ҳар бир тил хусусияти ва ОТМ ахборот-ресурс марказлари имкониятларини инобатга олган ҳолда қўшимчалар киритилиши мумкин. Киритилган қўшимчалар ишчи дастурларда ўз аксини топади.



ги ПФ-4947-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда

5. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил якунлари ва 2017 йил истиқболларига бағишланган мажлисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи. // Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 16 январь, №11.

#### **Инглиз тили**

1. Крылова Л.Р. Сборник упражнений по грамматике английского языка. – М., Книжный дом, 2003
2. Боқиева Г.Х., Ирискулов М.Т. In Touch Forever – Тошкент, 2006
3. Мўминов О. Public relations. История и теория. –Ташкент, Ijod dunyosi, 2004
4. Инглизча-русча, русча-инглизча, инглизча-ўзбекча луғат (барча нашрлари)
5. Don Shiach. How to write essay. – Oxford. 2009
6. Martin Hewings. Advanced Grammar in use. Cambridge. 1998
7. Elaine Walker, Steve Elsworth Grammar Practice for Upper Intermediate Students, Edinburg, Longman, 2000

#### **Немис тили**

1. Маматов В. ва бошқ. Deutsch für Hochschulen. – Тошкент 2003.
1. Autorenkollektiv. Studio. Deutschland, 2008.
2. Norbert Becker und Jörg Braunert. Alltag, Beruf & Co. Kursbuch+Arbeitsbuch mit Audio und CDs. Hueber Verlag, Ismaning, Deutschland 2009.
3. Немисча-русча, русча-немисча, немисча-ўзбекча луғат (барча нашрлари)
4. Маматов В. ва бошқ. Deutsch für Hochschulen. – Тошкент 2003.
5. Елина Н. П. и др. Deutsch. –Тошкент 2003.
6. Tangram 1B. Deutsch als Fremdsprache. – Ismaning, Deutschland. 2002.

#### **Француз тили**

1. Z. Noutchié Njiké Civilisation progressive de la Francophonie. –Paris, 2003
2. E.S.Kouvchinova «Manuel de français» Москва. «Высшая школа» - 1987
3. Костецкая Е.О., Кардановский В.И. Французский язык. Практическая грамматика. –М., Высшая школа, 2002
4. Французча-русча, русча-французча луғат. Барча нашрлари.
5. Французча-ўзбекча, ўзбекча-французча луғат. Барча нашрлари

#### **Интернет сайтлари**

##### **Инглиз тили**

1. [www.toefl.com](http://www.toefl.com)
2. [www.englishtraining.ru](http://www.englishtraining.ru)
3. [www.lingua.ru](http://www.lingua.ru)
4. [www.teachingenglish.org.uk](http://www.teachingenglish.org.uk)
5. [www.onestopenGLISH.com](http://www.onestopenGLISH.com)

6. [www.businessenglishonline.net](http://www.businessenglishonline.net)
7. [www.elgazette.com](http://www.elgazette.com)

#### **Немис тили**

1. [www.regma.de](http://www.regma.de)
2. [www.krie.de](http://www.krie.de)
3. [www.zum.de](http://www.zum.de)
4. [www.lehrer-online.de](http://www.lehrer-online.de)
5. [www.leixilotte.de](http://www.leixilotte.de)
6. [.lexikon.freenet.de/Literaturdidaktik](http://lexikon.freenet.de/Literaturdidaktik)

#### **Француз тили**

1. [www.granddictionnaire.com](http://www.granddictionnaire.com)
2. [www.francophonnie.hachette-livre.com](http://www.francophonnie.hachette-livre.com)
3. [www.portail.lettres.net](http://www.portail.lettres.net)
4. [www.citationsdumonde.com](http://www.citationsdumonde.com)
5. [www.français-affaires.com](http://www.français-affaires.com)



